# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 111 (8.846) ◆ 1996 йил 18 сентябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


# ПРЕЗИДЕНТНИНГ АНДИЖОНГА ТАШРИФИ



**АНДИЖОН, 17 сентябрь (ЎзА махсус мухбири Аҳмад ХЎЖА хабар қилади).**

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Андижон вилоятида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, хусусан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги ишлар билан танишиш мақсадида бу ерга келди.

Давлатимиз раҳбари Андижон ирригация машинасозлиги заводи базасида ташкил этилган «Ўзтонг хонг КО» қўшма корхонаси фаолияти билан танишди. Бу ерда «ЎзДЭУавто» заводида ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Тико», «Дамас» автомашиналари учун ўриндиқлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Ислом Каримов қўшма корхона муҳандислари ва ишчилари билан суҳбатлашди.

Президент 1-вилоят болалар касалхонасини бориб кўрди. Тиббиёт ходимлари ва беморлар билан суҳбатлашди. Болаларнинг даволаниши ва машғулотлар билан шуғулланиши, дам олишини кўнгилдагидек ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Пахта ва ғалла етиштиришни кўпайтириш халқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидандир. Президент Избоскан туманидаги Нишонбой Жўраев ва Абдусамад Тиллабоев номидаги жамоа хўжаликларида бўлиб, плёнка остида пахта етиштириш технологияси билан танишди. Туманда ғалла уруғини саралаш ва дорилаш ишларини кўздан кечирди. Деҳқонлар, хўжаликлар раҳбарлари билан пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантириш истиқболлари, картошка етиштириш технологиясини такомиллаштириш хусусида фикр алмашди.

Президентнинг Андижон вилоятига сафари давом этмоқда. Сафар чоғида унга республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Андижон вилояти ҳокими Қобилжон Обидов ҳамроҳлик қилаётир.

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

# КУЗГИ ЧАҚИРИҚ АРАФАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларига ҳақиқий муддатли ва муқобил хизматга кузги чақириқ арафасидамиз. Шу муносабат билан кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида кузги чақириқни ўтказишга жалб этиладиган ташкилот ва муассасалар вакилларининг маслаҳат мажлиси бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар чақириқ комиссиясининг раиси Шуҳрат Жалилов очиб, ёшларни ҳарбий хизматга чақириқни ташкил этиш борасидаги вазифаларга тўхталди.

Мажлисда Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бўйича бошқарма бошлиғи Фарҳод Рустамов 1996 йил баҳорги чақириқ якунлари ва кузги чақириқдаги вазифалар ҳақида маъруза қилди.

— Ўтган қисқа вақт ичида мустақил давлатимизнинг жаҳондаги обрўйи ортди. Дунё бизни, биз дунёни танидик, — деди Фарҳод Рустамов. — Ҳозирги кунда чақириқ ишларида бирмунча ўзгаришлар бор. Фарзандларимизда, ота-оналаримизда Ватан тақдири учун, она — Ватан ҳимояси учун жавобгарлик ҳисси ошмоқда. Дарҳақиқат, халқимизнинг тинч меҳнатини, осойишталигини ҳимоя қилиш, Қуролли кучларимиз қудратини ошириш бугунги ёшларимизнинг муқаддас бурчидир.

Шу билан бирга ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш боғчадан бошланиши керак. Мактаб, ўқув юртларида, корхона ва муассасаларда тушунтириш ишларини кучайтириш даркор. Барча туманларда навбатдаги чақириқни уюшқоқлик билан ўтказиш олдимизда турган муҳим вазифадир.

Мажлисда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбосари Ойсара Мироқилова, мудофаа вазирлигининг марказий ҳарбий тиббий комиссияси раиси Муслиддин Турсунов, Юнусобод туман ҳокими ўринбосари Рустам Қурбонов, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев, соғлиқни сақлаш вазирлигининг чақириқ ёшидаги ўсмирлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Сатторали Жумабоев ва бошқалар сўзга чиқиб, чақириқ билан боғлиқ муаммолар, бу соҳадаги долзарб вазифаларга тўхталиб ўтдилар.

Мажлисда маҳаллаларда, турар жойларда , ёшлар ўртасида Қуролли кучлар сафларида хизмат қилиш ҳар бир ёшнинг конституциявий бурчи эканлигини тушунтириш ишларини кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Мавлуда МИРЗАЕВА.

# БУГУНГИ КУН НАФАСИ

## МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Ўтган куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Украина Республикаси ташқи ишлар вазири Геннадий Удовенкони ҳамда Германиянинг «Дойче банк АГ» банки бошқаруви аъзоси Георг Крупп раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

❑ Бош вазир Ўткир Султонов Украина ташқи ишлар вазири Геннадий Удовенко билан учрашди.

❑ Ўзбекистон билан Украина ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик ва фаолиятни ўзаро мувофиқлаштириш тўғрисида битим имзоланди.

❑ Кеча Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг шу йил Тошкентда ўтажак олий даражадаги тўртинчи учрашувига тайёргарлик кўришга бағишланган мажлис бўлди. Унда Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Туркманистон ташқи ишлар вазирликларининг вакиллари иштирок этдилар.

❑ Бош вазир ўринбосари, молия вазири Бахтиёр Ҳамидов кредитлар ва сармояларни суғурта қилувчилар Берн халқаро уюшмасининг бош котиби Малькольм Стефенс билан учрашди. Меҳмон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси, Хориж сармоялари бўйича агентликда ҳам бўлди.

❑ Сурхондарё вилояти деҳқонлари уруғлик пахта тайёрлаш режасини адо этдилар. Қабул пунктларига 26 минг 150 тонна сара уруғлик пахта етказиб берилди. Вилоятда пахтани машинада териш ҳам бошланди.

❑ Президент Фармони асосида ташкил этилган Банк-молия академиясида машғулотлар бошланди.

❑ «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни амалга киритилди.

❑ Кеча Валюта биржасида бўлиб ўтган савдода I АҚШ долларининг қиймати 40 сўм даражасида қайд этилди.

## ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Озарбайжонга ташрифидан сўнг кеча Грузияда бўлди. Бу ерда у Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе билан асосан иқтисодий ҳамкорлик масалаларини муҳокама этди. Хусусан, Қозоғистон транспорт соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича тўртлик — Озарбайжон, Грузия, Туркманистон ва Ўзбекистон шартномасига қўшилиш ниятини билдирди.

❑ Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида «Амир Темурнинг Марказий Осиё халқлари тарихий тараққиётидаги роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўшда буюк Соҳибқироннинг 660 йиллиги муносабати билан шаҳардаги кўчалардан ва турар жой мавзеларидан бирига Амир Темур номини беришга қарор қилинди.

❑ Кеча Россия хавфсизлик кенгашининг котиби Александр Лебедь Чеченистон сепаратчилари раҳбари Зелимхон Яндарбиев билан учрашди. Музокараларда Чеченистондан Россия федерал қўшинларини олиб чиқиб кетиш, ҳарбий асирларни айирбошлаш, коалицион ҳукумат тузиш ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

## ХОРИЖДА

❑ Кеча Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессияси иш бошлади. Уч ҳафта давом этадиган сессия кун тартибига 162 та масала қўйилган.

❑ Қувайт араб мамлакатлари ўртасида биринчи бўлиб ўз ҳудудига АҚШ қўшинларини жойлаштиришга розилик берди.

❑ Босния ва Герцеговинада бўлиб ўтган парламент сайловларида дастлабки маълумотларга қараганда мусулмонлар вакиллари сайловчиларнинг кўпчилик овозини олишга муваффақ бўлганлар. Иккинчи ўринда серблар, учинчи ўринда эса хорватлар бормоқдалар.

❑ Бу йилги сув тошқинлари оқибатида Ҳиндистонда 500 киши ҳалок бўлган, табиий офатдан умуман 32 миллион киши зиён кўрган. Иқтисодиётга етказилган зарар 650 миллион рупийни ташкил этган.


○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○


*Мустақиллик мевалари*

# ҚАНОТЛАРДА ЮРТИМ ДОВРУҒИ



***Тошкент авиация ишлаб чиқариш давлат ҳиссадорлик жамияти Ҳамдўстлик ва Марказий Осиёдаги йирик самолётсозлик корхонасидир. У ИЛ-76 ҳамда ИЛ-114 самолётларининг турли модификацияларини ишлаб чиқаришда нуфузли жамоа сифатида ўз обрў-эътиборини сақлаб қолмоқда. Пойтахт самолётсозлари тайёрлаган ҳаво кемалари жаҳондаги 30 дан ортиқ мамлакат осмонида парвоз қилмоқда. Йўловчиларга хизмат қилиш билан бирга кўплаб юкларни белгиланган манзилларга элтмоқда.***

***Илгари хабар берганимиздек, шу йил 14 сентябрь куни Тошкент самолётсозлари ҳаётида қувончли воқеа рўй берди. Янги русумдаги ИЛ-114 Т юк самолёти биринчи синов учишидан муваффақиятли ўтди.***

Корхонанинг учиш-синаш майдонидамиз. Бу ерда ҳукумат раҳбарлари, Тошкентда фаолият кўрсатиб турган дипломатия корпуси вакиллари, жамоа аъзолари вакиллари тўпланишган.

Самолётни ерда учишга тайёрлаш участкаси устаси Леонид Владимирович Шеметов журналистларни самолётга таклиф қилар экан «Биз бу самолётни 20 кун ичида учишга тайёрладик», — деди қувонч билан. У етти тонна юкни манзилга етказиш қувватига эга. Юкларни ортиш ва туширишга кам меҳнат ва вақт сарфлашни таъминлаш чоралари кўрилган. Бу ҳаво кемаси ана шу турдаги самолётлар ичида Ҳамдўстлик мамлакатларида ягона кўп юк ташувчи ҳаво кемасидир. У бор-йўғи соатига 500 литр бензин сарфлайди, холос. Ҳавога кўтарилиш масофасининг оралиғи 1 минг 500 метр, қўниш масофасининг оралиғи эса 1 минг 300 метрни ташкил қилади.

Бир неча дақиқадан сўнг ҳали бўёқ ҳиди кетмаган янги «лочин» Тошкент осмонига кўтарилади. Мана, мустақил давлатимиз пойтахти самолётларининг қалб кўри, фидойи меҳнати билан бунёд этилган ҳаво кемаси шитоб билан худди оқ кабутардек, ложувард осмон қўйнига шўнғиди. У бир неча дақиқа кўкда парвоз этиб, учиш-синаш майдони устида айланалар ясаб, ерга оҳиста қўнди... Унинг яна бир фазилати намоён бўлди. Самолёт двигателларининг шовқини деярли эшитилмасди. Тўпланганлар юзида қувонч ва ҳаяжон. Қалбларида эса мустақил мамлакатимизнинг янги муваффақиятидан фахр ва ифтихор туйғулари жўш урарди. Улар бир-бирларини табриклашарди...

Бу биринчи синаш-учишни россиялик учиш командири Игорь Зокиров, синовчи-учувчи Василий Свиридов, учишни синовчи етакчи муҳандис Альберт Манохин, синовчи борт муҳандис Владимир Скринниковлар бажаришди. Учиш командири Игорь Зокировнинг қувончи чексиз эди. Ундан самолёт ҳақидаги таассуротларини сўраймиз.

— Ажойиб самолёт! — дейди Игорь Зокиров — тошкентликлар яхши самолёт ясашади. Бундай хилдаги самолётлар ичида унинг жаҳонда тенги йўқ. Учиш жуда завқли ва мароқли бўлди. У ҳар қандай об-ҳаво шароитида-кундузи ҳам, тунда ҳам бемалол парвоз қилаверади.

Самолётлар ва уларнинг двигателини ишлатиш бўйича муҳандис Баҳодир Зуҳриддиновни ҳам шу ерда учратдик.

— Машина тежамкорлиги айниқса қўл келади. Галдаги асосий ишимиз Россиядан сертификат олиш, — дейди у. — Яқин кунларда самолётни Россияга сертификатга берамиз. Кейин уни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Самолётимиз Ҳамдўстлик давлатларида ҳам, хорижий давлатларда ҳам ўз харидорини топади. У ўзининг ихчам ва қулайлиги билан кўпчиликка манзур бўляпти. Унга юк ортиш, юкни туширишга ҳам кўп вақт сарфланмайди.

— Жамоамиз бу самолётни уч ой мобайнида барпо этди, деди бирлашма давлат ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Вадим Петрович Кучеров. — Меҳнатинг самарасини кўриш қанчалар завқли! Худди янги фарзанди дунёга келган отадек қувонмоқдаман. Фарзандингнинг илк қадамларини кўришга муяссар бўлиш эса янада қувончли. Энг муҳими, бу самолёт ўз маблағимиз ҳисобига қурилди. Бу шуни кўрсатадики, жамоамиз ишлашга ва меҳнат қилишга қодир.

Тошкент бағрида бунёд этилган бу самолёт Ҳамдўстлик мамлакатлари, кўплаб хорижий давлатлар ҳаво йўлларида қатнаб тинчлик юкларини белгиланган манзилларга элтади. Ўз қанотларида мустақил Ўзбекистон шарафини юксакларга кўтариб, самолётларимиз довруғини оламга таратади. Республикамиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, корхона шуҳратини оширишга, эзгуликка хизмат қилади.

Янги юк ташиш самолётининг биринчи марта ҳавога кўтарилишида республика Бош вазири Ўткир Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар, шунингдек, дипломатик корпус вакиллари ҳозир бўлдилар.

Машҳура МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

*Дўстлик чегара билмайди*

# ПОКИСТОНЛИК АЁЛЛАР ТОШКЕНТДА

***Ўзбекистон Мустақилликка эришганидан сўнг Покистон Республикаси билан маданий, маърифий, иқтисодий алоқалар кенг ривожланиб бормоқда.***

Бунда айниқса маданият, санъат соҳаси, ишбилармон ва молиявий доиралар вакиллари ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида 1993 йил январда Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси ҳамда Покистондаги Ўзбекистон иқтисодий ва маданий маркази томонидан имзоланган аҳднома муҳим ўрин тутмоқда. Ҳар йили аёллар делегацияларининг ўзаро ташрифи ҳам шу аҳдноманинг мевасидир.

Куни кеча шаҳримизга Шаҳноз Саидхоним бошчилигидаги Покистон аёллари делегацияси ташриф буюрди. Таркибида тажрибали шифокорлар, рассом, журналистлар бўлган делегация аъзолари билан республика маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциациясида учрашув бўлиб ўтди. Унда ассоциация фаоллари миллий уюшма фаолияти, хусусан Покистон билан алоқалар тўғрисида сўзлашди. Шаҳноз Саидхоним эса Лоҳурдаги Ўзбекистон иқтисодий ва маданий маркази томонидан Ўзбекистон Мустақиллиги кунлари, Амир Темур юбилейига бағишланган тадбирлар кенг нишонланаётгани хусусида тўхталиб ўтди. Сўнг томонлар ўзаро эсдалик совғалари билан алмашишди.

Шуниси эътиборга моликки, делегация аъзолари ўзбек хонадонларига жойлашиб ҳаёт тарзимиз, урф-одатларимиз билан яқиндан танишишади, миллий маросимларда иштирок этишади. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб, тарихий обидаларимизни кўздан кечиришади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

# БУЮК ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ САЙЁҲЛИК

## МДҲ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ САЙЁҲЛИК БЎЙИЧА ДАВЛАТЛАРАРО КЕНГАШИ



16 сентябрь куни «Ўзбектуризм» миллий компаниясида Ҳамдўстлик мамлакатларининг сайёҳлик бўйича давлатлараро кенгашининг мажлиси бўлди. Унда МДҲ ҳудудида сайёҳликни янада ривожлантириш, бу борадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Мажлисда Ҳамдўстлик давлатларида фаолият кўрсатаётган йирик сайёҳлик компаниялари билан бир қаторда халқаро сайёҳлик ташкилотлари ҳам иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов мажлисни очар экан, тўпланганларга Президентимиз Ислом Каримовнинг табригини ва сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш юзасидан истакларини етказди.

Бош вазир ўринбосари мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантириш учун ҳуқуқий негиз яратилганлигини таъкидлаб ўтди. Президентимизнинг 1995 йил июнь ойидаги Фармонида Буюк Ипак йўли бўйлаб сайёҳликни тиклаш, очиқ иқтисодий зоналар ташкил этиш, сайёҳлик билан шуғулланувчи ташкилотларга солиқ тўлашда имтиёзлар бериш кўзда тутилган.

Мамлакатимиз «Буюк Ипак йўли бўйлаб сайёҳлик» дастурини амалга ошириш борасида катта ютуқларга эришмоқда. Кейинги йилларда Тошкент, Самарқанд, Бухорода замонавий меҳмонхоналар очилди. Тошкентдаги «Ўзбекистон», «Шодлик» меҳмонхоналари таъмирланиб, жаҳон андозаларига тенглаштирилади. Сайёҳлик эҳтиёжлари учун қурилишларни сармоя билан таъминлаш мақсадида махсус «Ўзсаёҳатинвестбанк» ташкил этилди.

Ўзбекистон йирик халқаро сайёҳлик компаниялари билан мустаҳкам алоқа ўрнатмоқда. Тошкентда ҳозирги пайтда Буюк Британия, Германия, АҚШ, Россия сайёҳлик фирмаларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида эса сайёҳлик бўйича мутахассислар тайёрлайдиган факультет очилди. Бугунги кунда махсус лицензияларга эга 180 тадан ортиқ хусусий ташкилотлар ҳам сайёҳлик билан шуғулланмоқда.

Мажлисда сайёҳликни ривожлантириш бўйича давлатлараро кенгаш аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириш, бу соҳа мутахассислари малакасини ошириш, шунингдек халқаро сайёҳлик-спорт иттифоқига мазкур кенгаш қошида кузатувчи мақомини беришга қарор қилинди.

Кеча эса «Ўзбекэкспомарказ»да «Буюк Ипак йўли бўйлаб сайёҳлик» дастури доирасида иккинчи халқаро саёҳлик ярмаркаси тантанали вазиятда очилди. Унда 70 га яқин, шу жумладан Япония, АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Туркия ва бошқа давлатлар фирмалари иштирок этмоқдалар.







Ярмаркани очиш маросимида сўзга чиққан жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Европа мамлакатлари бўйича вакили Питер Шекилфорд 1994 йилда Самарқандда Буюк Ипак йўли бўйлаб сайёҳликни ривожлантириш юзасидан декларация қабул қилингандан сўнг жуда кўп мамлакатлар Хитойдан Туркиягача чўзилган бу 12 минг километрлик йўналиш бўйлаб саёҳатларни ташкил этишга фаол қўшилганликларини таъкидлаб ўтди.

Ярмарка очилгандан сўнг Асака автомобиль заводида ишлаб чиқарилган олтита «Тико», «Дамас», «Нексия» автомобилининг Марказий Осиёнинг олтин ҳалқаси бўйлаб автопойгаси бошланди. Бу пойга икки ҳафта давом этиб Асака автомобилларида 5380 километрлик масофа босиб ўтилади.

«Ўзавтосаноат» томонидан ташкил этилган бу автопойга қатнашчилари тўхтаган биринчи шаҳар Жиззах бўлди. Шаҳар ҳокими С. Худоёров автопойга қатнашчиларини қизғин қутлади.

Кеча кечқурун эса автопойга қатнашчилари Самарқандга етиб келдилар.

Улар бу ердан Бухоро, Хива, сўнг Чоржўй, Хўжанд, Ўш, Бишкек, Жамбул, Олмаота шаҳарлари сари йўл оладилар.

Дониёр ЭРКИНОВ.

***СУРАТЛАРДА:*** *«Буюк Ипак йўли бўйлаб сайёҳлик» ярмаркасидан ва Марказий Осиёнинг олтин ҳалқаси автопойгасидан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов суратлари.*

*Обуна — йил бўйи*

# «ОҚШОМ» ДОИМ СИЗ БИЛАН!




Қадрли муштарийлар!

Шу кунларда ўзингиз севган нашрингиз — «Тошкент оқшоми» газетасига обуна давом этаётганлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз. Шаҳар «Оқшом» газеталарига ўз вақтида обунани расмийлаштириб қўйсангиз нафақат, Тошкент шаҳридаги, балки республикамиз ва хориждаги энг сўнгги янгиликлардан вақтида хабардор бўласиз. Бундан ташқари ўзингиз ҳар оқшом оила даврасида севиб ўқийдиган мавзудаги ранг-баранг мақолаларни мутолаа қиласиз. Хуллас, обуна бўлсангиз кўнглингиз хотиржам бўлади. «Оқшом»нинг ҳар бир сони хонадонингизга ўзи кириб боради.

Шуни яна бир бор эслатиб ўтмоқчимизки, «Тошкент оқшоми» газетасига ҳар ойнинг ўнинчи кунига қадар шаҳримизнинг исталган алоқа бўлимига кириб келгуси ой учун обунани расмийлаштирсангиз бўлади. Газетанинг чакана савдога жуда ҳам чекланган миқдорда чиқаётганидан хабарингиз бор. Буни сиз таҳририятга йўллаётган мактубларингизда ҳам таъкидлаб ўтмоқдасиз. Бинобарин, сиз дўконлардан «Оқшом»ни ҳамма вақт ҳам сотиб ололмаётган экансиз, яхшиси унга обуна бўлинг. Бордию обуна масаласида бирон-бир муаммо туғилгудек бўлса «Тошкент почтаси» давлат корхонасига — 33-47-49 рақамли телефонга ёки «Оқшом» таҳририятига — 33-29-70 рақамли телефонга мурожаат қилинг. Газетани элтиб бериш хусусида эса ўзингиз истиқомат қиладиган жойдаги алоқа бўлимларига мурожаат этинг.

**«Тошкент оқшоми»нинг обуна нархи қуйидагича:**

| | УЙГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ | АБОНЕНТ ҚУТИСИГА ЕТКАЗИШ |
|---|---|---|
| ◆ Бир ой учун | 64 сўм | 54 сўм |
| ◆ Уч ой учун | 192 сўм | 162 сўм. |

◆ ***«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ИНДЕКСИ — 64690.***

